



# YOSHLAR OVOZI

## ТОШКЕНТ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО МАРКАЗГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Ортимизда амалга оширилаётган ислохотлардан мақсад ҳаётимиз ободлиги, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини таъминлашдан иборат. Бу тиббиёт тизимидаги изчил ўзгаришларда ҳам акс этмоқда. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар натижасида мамлакатимизда ўртача умр кўриш 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшга ташкил этди.

Халқимизга сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишда хусусий секторнинг улуши ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари қуриш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йилда мамлакатимизда 400 дан зиёд, жумлалан, Тошкент шаҳрида 115 та хусусий клиника ташкил этилди.

Президентимиз ана шундай муассасалардан бири, Мирзо Улугбек туманидаги “ДМС” хусусий инновацион клиникасига ташриф буюрди.

Тўрт қаватли ушбу шифо маскани хавфсизлик, энергия тежамкорлик ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўп тармоқли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича энг замонавий талабларни ҳисобга олиб қурилган. Клиника фасади Германиянинг инновацион технологияси асосида ишлаб чиқарилган иссиқлик ва овоз қайтарувчи изоляция материаллари билан қопланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Зулфия Мақсудова раҳбарлик қилаётган клиника Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Японияда ишлаб чиқарилган юқори технологияли тиббий

ускуналар билан жиҳозланган. Шифокорларнинг барчаси хориждаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида малака оширган.

Жорий йил апрель ойида фаолият бошлаган инновацион клиникада офтальмология, невро-жарроҳлик, ортопедия, пластик жарроҳлик, кардиология, ЛОР, педиатрия, реабилитация, физиотерапия каби ўн бешдан ортиқ ихтисослик бўйича ташхислаш ва даволаш йўлга қўйилган. Замонавий лаборатория диагностикаси билан таъминланган.

Биринчи қаватда беморлар ташхисдан ўтказилиб, мутахассислар маслаҳатини олади. Иккинчи қаватда жарроҳлик амалиёлари бажарилади. Виолетлар ва кўшни мамлакатлардан келган беморлар ётиб даволанади. Компьютерли биобошқарув хонасида медикаментларсиз даволаш, руҳий ва нутқий нуқсонли бор беморларни соғлом ҳаётга қайтариш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

### KUN MAVZUSI

## КАДР — МУҲИМ МАСАЛА



Мамлакатимизда турли соҳаларда изчил ислохотларни амалга ошириш зарурати замонавий билим ва малакага, шунингдек, инновацион фикрлаш қобилиятига эга мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юрглари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак”.

Хўш, юрт равнақи учун керакли, саноатли кадрларни етакчи хорижий таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган янги жамғарма қандай ишларни режалаштирган? Шу каби долзарб саволларга Миллий мағбуот марказида ташкил этилган мағбуот анжумани давомида жавоб топдик.



ИЛК ҚАДАМ

— Асосий вазифамиз халқаро талабларга жавоб бера оладиган, мамлакат нуфузини оширишга қодир кадрларга бўлган ўқитиш талабини қондиришдан иборат, — дейди “Эл-юрт умиди” жамғармаси директори вазифасини бажарувчиси Адхам Бекмуродов. — Чунки айни пайтда барча соҳаларда малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Ишчи вазирлик ва идораларнинг хорижда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, илмий ва амалий таълимга эга чет элдаги ватандошларимиз ҳамда хорижий экспертларни жалб этишга бўлган талабини ўрганишдан бошладик. 82 та давлат органи ва ташкилотдаги ҳолат таҳлил қилинди. Натижаларга кўра, хорижда докторантура ва магистратура таълим дастурлари бўйича ўқитиш дастлабки эҳтиёж минг нафардан, малака ошириш ва стажировкага эса, 2 минг 500 нафардан зиёд экани аниқланди. Бундан ташқари,

**ХОРИЖДАГИ 600 НАФАРДАН ЗИЁД ВАТАНДОШИМИЗ ХАМДА МИНГ НАФАРГА ЯҚИН ЧЕТ ЭЛ МУТАХАССИСИГА ЭҲТИЁЖИМИЗ БОР.**

Демак, айни вақтда 5 минг нафардан зиёд малакали кадрга муҳтожмиз. Шу боис жамғарма нуфузли олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН БАЛЛИ, КАЛЛА!



Хар қандай илмий янгилик ёки инновация одамлар турмуш даражасини яхшилаш бўлиши керак. Буни янги авлод вакиллари яхши англамоқда. Шу сабаб илм-фанга қизиқувчи ёшларимиз сони ортиб бораёттир. Улар таълим ва техника ишланмалар, шаксиз, бизни таракқиёт пиллапоисидан юқорига олиб чиқади.

Яқинда якунига етган Ёшларнинг стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш дастури мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Ташаббус БМТ Тараққиёт дастури, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи ҳамда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Лойиҳанинг финал босқичи Ёшлар пресс-клубида бўлиб ўтди. Таъкидланганидек, жорий йилда танловда 1 минг 253 нафар йигит-қиз (510 жамoa) катнашиш истагини билдирган. Финал учун 16 та стартап саралаб олинди. Улар таълим, тиббиёт, маркетинг, туризм, краудфандинг (кўнгилли молиялаштириш) каби соҳаларни қамраб олган. Тақдимот жараёнида стартаперлар лойиҳанинг долзарблиги ва амалга ошириш механизми, бунинг учун қанча маблағ талаб қилиниши, қанча мижоз жалб қилиш мумкинлиги ҳақида батафсил тўхтади.



Масалан, Хумоюн Ғуломов тадбиркорлар учун махсулот рекламасининг юртимизда ҳали таъбиқ этилмаган шакли — “Little Big Media” лойиҳасини ишлаб чиққан. Бунда реклама супермаркет аравачасидаги махсус электрон қурilmага жойлаштирилади. Шу таҳлит истеъмолчи харид чоғида рекламани бемалол томоша қилиши ёки эшитиб кетиши мумкин.

Шаҳзод Умрзоқовга тегишли. Тенглошимиз “UniBus” дастурини яратган. У жамoaт транспорти йўловчиларининг неча фоизи ойлик чипталардан фойдаланишини назорат қилиш имконини беради. Тақдимотларни кузата туриб, стартаперлар жамиятнинг турли қатламлари қизиқишларини инobatта олишга ҳаракат қилганидан қувонасиз. Ғолиб деб топилганлар орасида жисмоний имконияти чекланганлар учун мўлжалланган лойиҳа ҳам бор.

— Биз бийоник қўл яратдик, — дейди “Innograd” лойиҳаси муаллифи Алибек Жуманиёв. — У микропроцессорлар орқали бошқарилиб, электромеханик ҳаракатларни бажаради.

Сўнги йилларда юртимизда стартаперлик ҳаракати анча ривожланди. Бироқ яратилган стартап лойиҳаларнинг аниқ сони ҳақида маълумот йўқ. Улугбек Исмаилов шу қамчилиқни бартараф этиш мақсадида startupmarket.uz электрон платформасини ишлаб чиқди. Дастур ҳозиргача яратилган ва яратилажак лойиҳалар ҳақида маълумотларни ягона порталга жамлаб, муаллиф ва ҳомийлар ўртасида узлуксиз алоқани таъминлайди.

Танловнинг якуний босқичига етиб келган бешта энг сара лойиҳа учун 40 миллион сўмдан пул муқофоти топширилди. Муаллифларга эса, смартфон ҳамда бизнесни ривожлантириш бўйича семинарларда бепул катнашиш имконияти тақдим этилди.

Одилжон ТИЛЛАЕВ

## БУГУННИНГ ГАПИ



Ўзбекистон ёшларининг асосий журнали — “Yoshlik” бугун 2 минг 520 нусхада чоп этиляпти. “Yoshlar ovozi” газетаси эса, 12 минг ададга ҳам етмайди. Ваҳоланки, мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил қилади. Бошқача айтганда, қарийб 20 миллиондан ортиқ нуфусга эгамиз. Бу ўттиз ёшгача бўлган бир ярим минг кишидан фақат биттаси газета-журнал мутулаа қияпти дегани. Бу нимадан далолат беради?



### IJODIY BELLASHUV

## СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАЙ БИЛИМ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Мен севган адабий қаҳрамон” мавзuidaги ишолар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Худудларда катнашган тўрт ярим минг нафардан зиёд ўқувчи орасидан финалда 56 нафари ғолиблик учун курашди.

— Ушбу беллашувни ёшларда ўзбек ва жаҳон адабиётига қизиқишни, қолаверса, мутулаа маданиятини ошириш мақсадида ташкил қилгандик, — дейди Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Баҳромжон Аминов. — Ишоларни ўқиб, “Ёш китобхон” танловининг бўлгуси ғолиблари мана шу йигит-қизлардан чиқишига шубҳам қолмади.

Танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзолари иждоий ишлар юқори савияда ёзилгани, аиникса, имло хатоларга кам йўл қўйилганини мамнуният билан қайд этди. Уларнинг ҳулосаси билан синфлар кесимида 1-, 2-, 3-ўрин ва номинациялар бўйича аниқланган ғолиблар Халқ таълими вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Эркин АБДУСАТТОРОВ

# ТОШКЕНТ ЮКОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО МАРКАЗГА АЙЛанаДИ

(Бошланғич 1-саҳифа)

Клиникада тўр парда касалликлар ва патологик ҳолатларни контраст воситаларсиз ташхислаш имконини берадиган «Торсон» тамогради-ангиографи, микроинвазив операциялар ўтказиш учун «Constellation Vision System» аппарати ўрнатилган. Бундан ташқари, сўнгги авлод артроскопи ёрдамида кам инвазивлиги даволаш диагностика амалиётлари бажарилади. Бўғимларда эндопротезлаш амалиётлари, жароҳатлар ва операциялардан кейинги комплекс реабилитация хизматлари кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари инновацион клиникадаги шароитларни кўздан кечирди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва сифатта эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Биз нима учун тиббиётда хусусий тармоққа шароит яратялми? Рақобат бўлиши керак. Рақобат бор жойда сифатга интилиш бўлади, даволаш, хизмат кўрсатиш яхшиланади, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўз микрожарроҳлиги бўйича инновацион ўқув-симуляцион марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу марказда кўз микрожарроҳлиги мутахассисларини тайёрлашнинг жаҳон стандартларига мос инновацион услуби татбиқ этилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, кадрлар малакасини оширишга хизмат қиладиган бундай симуляцион марказларини тиббиётнинг бошқа йўналишлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев «Steel property construction» МЧЖ кўшма корхонаси ҳудудидан ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечирди.

Ишчибод туманидаги собиқ авиация заводида қарашли фойдаланилмай ётган биноларда иш бошлаган ушбу МЧЖ ҳудудда қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда хориждан технологиялар келтирилиб, бозорбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қарий 20 гектарлик ҳудудда мрамар плиталар, иссиқхона жиҳозлари, металл конструкциялар, эшиклар, қувурлар, пўлатдан тайёрланган иситиш радиаторлари, сендвич панеллар ишлаб чиқаришмоқда.

Масалан, «Dacros» корхонаси Европа технологияси асосида темир эшиклар тайёрлашга ихтисослашган. Бу эшиклар кўп қаватли турар жойлар йўлакларини, намунавий уйларга ўрнатилмоқда.

Яна бир бинода Нидерландия технологияси асосида турли ўлчамдаги металл конструкциялар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Бу ерда йилига 24 минг тонна металл маҳсулотлар билан бирга, сендвич панеллар, брусчаткалар, йўл чети тўсиқлари, иситиш радиаторлари тайёрланади. Ички бозордан ташқари қўшни мамлакатлар маҳсулотининг асосий бозори ҳисобланади.

«Midas agrotech» корхонасида замонавий иссиқхона мажмуалари учун конструкциялар, шунингдек, кўёш нуридан химояловчи тўрлар, пластик яшиқлар, полэтилен пленка кабилар ишлаб чиқарилади.

«Бектемир металл конструкциялари» корхонасида йўл тўсиқлари, ёритиш устунлари, қурилиш конструкциялари, электр пайвандаланган қувурлар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Маҳсулотлар сифати ва бозори билан кизикди.

Бектемир туманидаги «Бинокор» маъмулоти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди.

Президентимиз мазкур корхонада ишлаб чиқарилган темир-бетон панеллардан намуна сифатида қурилган хоналарга кириб кўрди. Кўп қаватли уйларни тез муддатларда қуриш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун бундай корхоналар жуда зарурлигини таъкидлади. Шу йўналишга ихтисослашган корхоналарни қўйиштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича топширилди.

Шу ерда Тошкент шаҳри иктисодиётини хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги корхоналар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

2019 йилда пойтахтимизга камида 2 миллиард 700 миллион доллар микдорда тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши мўъжалланмоқда. Ушбу маблағлар жуда зарурлигини таъкидлади. Шу йўналишга ихтисослашган корхоналарни қўйиштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича топширилди.

Шу ерда Тошкент шаҳри иктисодиётини хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги корхоналар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

бюджетта солиқ тушумлари янада кўпайтирилади.

Ташқи иктисодий фаолияти миллий банки, «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» негизда ташкил этиладиган «Инвестор марказлари»да талбиркор ва сармоядорларга комплекс хизматлар кўрсатилади.

Германиянинг «VERIDOS» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхонада пластик картонкалар, ID карта ва чиплар, «Best stainless stell Co.ltd» корхонаси томонидан никель металл маҳсулотлари, «Real House» компанияси томонидан кўп тармоқли шифохона, логистика маркази, шунингдек, бетон маҳсулотлари, мебель, мато ва сочиклар ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари киритилган инвестицияларни кафолатлаш, экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, пойтахтимизда янги инвестициявий муҳит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Президентимиз Чилонзор тумани Богистон кўчасида бунёд этилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилиши билан танишди. Бу ерда 9 қаватли 23 та уй қурилиб, келаси йил фойдаланишга топширилади.

Сир эмас, мамлакатимизда уй-жойлар қурилиши деярли тўхтаб қолган. Атиги уч-тўрт йил олдин ҳам нафақат пойтахтимизда, вилоят, туман ва шаҳар марказларида, олис кишлоқларда арзон уй-жойлар қурилишини ҳеч ким тасаввур қилолмас эди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк куналариданоқ ана шу оғриқли, ҳаётий долзарб муаммони ҳал қилишга киришди.

2017 йилдан илк маротаба аҳоли учун арзон, барча қўлайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. Шу йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёда яна шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳолининг арзон уйларга талабини қондириш учун жорий йилда биргина кишлоқ жойларнинг ўзида 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп арзон намунави уй-жой қурилди. Бу жараёнд нозид давом этади.

Богистонда қурилиши бошланган кўп қаватли уйлар ҳам миллий менталитетимизга ҳос замонавий қурилиш андозалари асосида қад ростлайди. Турар жойлар зилзилабардошлиги, ногиронлар учун қўшимча қўлайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Ҳовлисида болалар майдончалари, автотураргоҳ, савдо маркази бўлади.

Президентимиз янги уйлар пойтахтимиздаги энг намунави яшаш манзилларидан бирига айланиши кераклигини таъкидлади.

Шу ерда Тошкент шаҳрида коммунал тармоқларни ривожлантириш, каналларни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш, йўл ўтказгичлар қурилиши бўйича лойиҳалар намойиш этилди. 2019 йилда Салор, Дамаши, Қорасув, Бектемир, Бўзсув, Жўн, Бўрижар каби каналлар таъмирланиб, агрофи ободонлаштирилди.

Каналлар атрофида, одамлар дам оладиган, болалар чўмилмайдиган обод ва хавфсиз ҳудудлар ташкил этиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз чикидиларни саралаш ва қайта ишлаш, иссиқлик манбаи бўйича ёпиқ сув таъминоти тизими лойиҳаларини тешлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Бугун Сергели туманида қурилиш қранлари шунчалик кўпки, худди дарахтзорга ўхшайди. Бу бунёдкорлик ишлари кўламиндан, шиддатидан. Жумладан, Чоштепа маҳалласи ҳудудидан 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги уй-жойларни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг июль ойида ушбу маҳаллага ташриф буюриб, қурилиш жараёни билан танишган, мутасаддиларга бунёдкорлик ишларини ўз вақтида ва сифатли яқунлаш бўйича топширилган берган эди. Атиги беш ойда бу ерда улкан мавзе қад кўтарди. 1 минг 176 хонадонга мўъжалланган 21 та уй барпо этилди. Бошқа уйлар қурилиши давом этмоқда.

Аҳамиятли томони, Туркиянинг инновацион технологиялари асосида бинонинг ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар билан қопланган. Бу уйларнинг кишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Президентимиз ушбу уйлардан бирини кириб кўрди. Қурилиш соҳасида янги тизим яратилганини, бу аҳолини уйли қилиш билан бирга қўллаб иш ўринлари ҳам очаётганини таъкидлади.

Мавзеда маҳалла гузарни ҳам бунёд этилган бўлиб, унда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари хоналари, уй-жой

мулкдорлари ширкати, профилактика инспектори хонаси, кутубхона фаолият юритади.

Шавкат Мирзиёев туман ҳудудидаги яна бир мавзеда бўлди. Бу ерда ҳам кўп қаватли турар жой бинолари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари миллий-дикий кадрларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан хиссасини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай ташаббуслардан бири — «Майрифат ва диний бағрикенглик» номли резолюция қабул қилиш таклифи БМТ Бош Ассамблеясининг 12 декабрдаги ялпи сессиясида барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳонда тан олинаётганидан, юртимизнинг ушбу масалаларда бой тарих ва катта тажрибага эга эканидан далолат беради.

Пойтахтимизда барпо этилаётган Ислам цивилизацияси маркази давлатимиз раҳбарининг айна соҳасидаги эзгу ташаббусларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 июнь куни ушбу марказ қурилишига ташриф буюриб, ишроот пойдеворида тамал тоши қўйган эди. Бугунги кунда бино конструкциялари қад кўтариб, қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Уч қаватли марказ қадимий мадрасаларимиз услубида қурилди. Бинонинг симметрик марказига Усмон Қуръони қўйилди. Иккинчи қаватда кутубхона, анжуманлар ва кўргазма заллари бўлади. Учинчи қават ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналарни ўз ичига олади.

Президентимиз қурилиш жараёни билан танишди. Кўргазмалар залида Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни кўчур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга еткази билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавий озуқа олиб кетиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари марказни пардозлаш ва жиҳозлашни тақомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу кунги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳрида 2017 йилги ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга ўсгани қайд қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, жорий йил якуни бўйича саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, хизмат кўрсатиш 10,5 фоиз ўсди. Бу мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Президентимиз Тошкент шаҳрини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди. Тошкент шаҳрини йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги глобализация даврида иктисодиётта инвестицияларни фолл жалб этиш, бизнес учун қўлай шароитлар яратиб бераётган шаҳарлар жадал ривожланмоқда. Тошкент шаҳрини юқори технология сановат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, банк, молия, сўғурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатадиган йирик халқаро марказга айлантиришимиз зарур. Шаҳар атрофи сановат зоналари, шаҳар ичи эса инновацион ҳудуд бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларини ривожлантириш, аҳоли ва туристлар учун қўлайликларни кўпайтириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъсиясига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Жаҳонгир Ортиққўжаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сўзга чикқанлар ҳоким ва унинг барча ўринбосарлари, барча фаоллар Президентимиз томонидан пойтахтимизнинг жадал ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларини бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлади.

## BOLANING BEGONASI BO`LMAydi

# ЛОҚАЙДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ!

Ҳасан УСМОҲОВ

Олмазор туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида туман халқ таълими бўлими томонидан «Жинойтчиликнинг олдини олишда психологик хизматнинг ўрни» мавзусида очик мулоқот ташкил этилди. Унда Ўзбекистон халқаро ислом академияси мутахассислари, умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган психологлар ва педагоглар қатнашди.



Мулоқот жараёнида навқирон авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиш кераклиги, бола ўз-ўзидан жинойтга қўл урмаслиги, иллатлар гирдобига кўпроқ назоратсизлиги туфайли ёт го-

лар таъсирига тушган ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Бундай ҳолатларни бартараф этишда психологларнинг ўрни муҳим экани ҳам айтиб ўтилди.

Аҳамият берганмисиз, яқинлари меҳри ва эътиборидан мосуво бола кўпинча ўзини ижтимоий тармоқларга уради. Нобакорларнинг сохта авдови қурбонига айланиши ҳам ҳеч гап эмас. Талбирда сўз олган психологлар оддий лоқайдлик катта муаммоларни келтириб чиқармаслиги учун қандай чоралар қўриш лозимлиги хусусида таклиф-таъсиялар берди.

— Оилада фарзанд тарбияси билан ота-онанинг ҳар иккиси мунтазам шуғулланиши керак, — дейди психолог Муҳтарам Эшмаматова. — Биз ўқувчиларнинг қўлига қогоз-қалам тутказиб, оила ўзгаларни тасвирлаб беришни сўраймиз. Бизилар яқинларини ўртада, ўзини эса, энг чеккада тасвирлайди. Демак, шу оилада муаммо борки, у бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўрярсизми, фарзандларимизни бир зум ҳам эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

# КАДР — МУҲИМ МАСАЛА

(Бошланғич 1-саҳифа)

## КИМ ФОЙДАЛАНДИ, ҚАНДАЙ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Жорий йил ҳисобидан жамғарма томонидан 500 нафарга яқин йигит-қиз дунёнинг 26 та мамлакатиди 74 та ўқув ва илмий муассасага таълим олиш, малака ошириш ёки стажировка учун жўнатилган бўлди.

— Яна бир жиҳат, — таъкидлади А.Бекмуродов, — хорижда жўнатилган амалиётчи тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилмоқда. 2019 йилда шу мақсадда 45 миллиард сўм ажратилиб режалаштирилган. Тавлобда охириги уч йил мобайнида хорижда таълим олмаган, ўзи

танлаган мутахассислик бўйича, шунингдек, педагогик соҳада камида икки йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган, 25 ёшдан 50 ёшга бўлган мутахассислар иштирок эта олади. Жамғарма стипендиялари учун тавлоб магистратура ва докторантура учун тўрт босқичда, малака ошириш ва стажировка учун уч босқичда ўтказилади.

## «УМИД» ВА «ИСТЕЪДОД» ДАН ФАРҚИ НИМАДА?

«Эл-юрт умиди»дан олдин ҳам юртимизда йигит-қизларнинг хорижда таълим олишида қўмақлаштиришга қаратилган жамғармалар фаолият юритганди. Лекин улар томонидан чет элга жўнатилган қўллаб ёшлар

Ватанига қайтиб келмади. Бундай ҳолат такрорланмаслиги учун айна пайтда

## ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЭЛЕКТРОН БАЗАСИ ЯРАТИЛМОҚДА.

Келаси йил январь ойида бу тизим онлайн режимида ишга туширилади. Аҳамиятли томони шундаки, «Эл-юрт умиди» жамғармаси имкониятларидан нафақат талабалар, балки соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, иктисодиёт ва бошқарув соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

Жавлон ВАФОЕВ

## MUNOSABAT

# ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА — ВАТАННИ КЎТАР!

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ

Ўшанда ноқулайлик туғдираётган симёғочларни кўчириш керак эди. Фақат оғир ва узун устунларни техника ёрдамида камида эллик метр нарига олиб бориш муаммо туғдирганди. Кимдир уни кўтариб олиб ўтиш мушкул, деса, бошқа бир тик турган симёғочни йикитиб олсак шикастланади, деб қўймади. Шунда кишлоқ оксоқоли ўртага чиқиб:

— Уят эмасми?! — деди кескин оҳангда. — Шунча йигитдан бирон киши ўзимиз бажарамиз, деб кўкрагига уриб чиқмайди. Оғир юкни қачонгача боболар кўтарарди? Кимнинг қандайлиги шундай пайтда билинади-да! Бу гапдан кейин сифдошим Бахтиёр ўрнидан турди:

— Бобо, мен бажараман, сиз хавотир олманг, — деди. — Ҳашарга одам топилмас эшичи ёлмайми.

Бахтиёрнинг шаштини кўрган бошқа йигитлар ҳам ишга киришадиган бўлди.

Шу пайт яна бир кизик ҳолат рўй берди. Ҳашарчилар икки-уч гуруҳга бўлинди. Симёғочни елкага ортдик. Аммо зўрға ўн қадим юра олдик, холос. Бахтиёр эса: «Ҳамма оғирлик менга тушяпти», — деди норози бўлиб.

У бошқаларга нисбатан новча эди. Бундай юкни кўтарганда оғирлик бўйи баланд кишилар елкасига тушишини ўшанда англаганман. Шундан сўнг бўйимиз ва имкониятимизга қа-

раб гуруҳларга бўлинди. Иш осон кечди.

Президентимиз мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишлаб ўтказган йилнинг тафсилотлари билан танишар эканман, негадир шу воқеа ёдимга тушди. Йилнинг таъкидланганидек, юртимизда халқаро илмий ва амалий тажрибага эга 600 нафардан зиёд ватандошимизга ҳамда яна минг нафарга яқин хорижий олимларнинг таълим олишга эҳтиёж бор.

Қолаверса, бугун илмий ва илмий-педагогик кадрларга эҳтиёж нақ 5 мингдан зиёд таълим этилади. Ишлаб чиқариш соҳаларини ҳам инноватга олсак, бу рақам камида 50-100 баробар ортади.

Юқоридаги рақамлар шунчаки маълумот эмас, балки мамлакат учун ўта оғриқли нуқтадир. Биргина тиббиёт соҳасини олайлик. Яқинда маҳалладошларимиз икки-уч марта хорижда бориб даволаниб келди. Бунинг учун у қанчалик сарсон-саргардон бўлганининг ўзи алоҳида мавзу. Аммо мени бошқа нарса қийнади. Негат юртимизда малакали шифокорлар етарли эмас? Пухта билим ва кўникмаси борлари эса, кўпинча хорижда ишлашни истайди.

Президентимиз 2018 йил 25 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Мутахассисларнинг хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш

бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони имзолади. «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилди ҳам. Бу жамғарма хориждаги юртдошларимизга яхши ҳақ ва қўлай имконият яратиб беришга шай турибди. Янги истиқболли режалар тузилмоқда.

Ўзбекистон жадал ривожланиш палласида турибди. Бундай пайтда эса, хашарга йиғилган маҳалладошлар каби ҳамжамиятликда иш тутишимиз зарур. Шуларни ўйласам, оксоқолимизнинг: «Кимнинг қандайлиги шундай пайтда билинади!», — деган гапи ва юкнинг асосий залвори аллкомат йигитлар елкасига тушишини эсламан.

Жамғарманинг «Эл-юрт умиди» деб номланишида ҳам катта рамзий маъно бор. Зеро, у Ватан юртига қарбаста бўла оладиган йигит-қизларнинг хориж тажрибасини ўрганиш, етук илмий кадрлар бўлиб етишишида беъмннат хизмат қилади. Дангал айтганда, эл-юртнинг умидини рўёбга чиқаради. Фақат милаат, келажак қайтуси ҳар бир фуқарони бирдек ташвишлантириши, бунда ҳамма ўз имконияти даражасида хисса қўшмоғи кераклигини теран англаш керак бўлади.

Шу дад Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеваннинг қуйидаги саҳрига ёдимга тушди:

Қон асан ёруғлик. Ёруғдан, тиз чўк. Аса мард Ватанга тиз чўкит ўтар. Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк. Қанча шонинг бўлса — Ватанини кўтар!

## PREMYERADAN SO'NG

Шерзод МАХМУДОВ

**“Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан яхши анъана йўлга қўйилди. Премьера килиниши кутилаётган фильмлар даставвал журналистларга намойиш қилинмоқда. Ёш иктидорли режиссёр Умид Ҳамдамовнинг “Иссиқ нон” кинокартинаси навбатдагиси бўлди. Таассуротларни сиз билан ўртоқлашмоқчимиз.**

### АКТЁРЛАР ИЖРОСИ

Бош қаҳрамон — Зулфия образини дебютант актриса Зарина Эргашева яратган. Айтиш керак, у ролни маромига етказиб ижро этди. Актриса ролда яшапти, ўзини 13 ёшигача отасини кўрмаган, она меҳридан мосуво, фақат бувисининг қарамоғида, қобикка ўралгандек ҳис қилипти. Бундай профессионалликка эришиш режиссёрдан катта маҳорат талаб қилади, албатта.

### КИМОРБОЗ ЎГИЛ ВА ФАРЗАНДИНИ ЕТИМ ҚИЛГАН НОЗАНИ

Қисматнинг макрли ўйинлари бор. Мактабда кўп йил ишлаб, болаларга яхши ёмондан ажратишни ўргатган муаллима — бувининг ўз фарзандларига тарбия етишмайди. Нозани онасининг қаршичилигига қарамай,

дан онасига кўнғирок қилади. Тирриклик, рўзгор ташвишида ёлғиз фарзандига меҳр кўрсатмаган она кизи билан совуқ оҳангда гаплашади. Тез орада қайтишини айтиб, уни алдайди. Она дийдорига илҳак Зулфия мактабдан тушкун кайфиятда қайтади. Йўл четида, иккинчи планда онасига талпинган бузук тасвири берилади. Режиссёр бу билан ҳатто хайвонлар ҳам боласига ғамхўр бўлишини кўрсатган. Мана шу икки ҳолатнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши картинадаги ноёб топилма, назаримизда.

### КИЧИК ЖУССАСИГА КАТТА ТАШВИШ

Феруза Саидова гавдалантирган келин образининг вазифаси шундай. У хар куни тандир-тандир нон ёпиб, велосипедга чойхона ва дўконларга таркатади. Адирлардан гиёҳлар те-

ника, фильмда узилмас кадрлар, даярли икки-уч дақиқага чўзилган битта “дубл”ли тасвирлар томошабинни ўзига тортади. Экрандаги ҳолатни ҳис қилишга имкон беради.

### МУСИКАЛАР

Ўзбек кинеси олдинга илдамламоқда. Малакали ёш режиссёрлар, оператор, рассомлар етишиб чиқипти. Фильмнинг яна бир юзүкчи томони — мусика. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоир Кўзиев томонидан басталанган куйлар фильмга ўзгача руҳ, жозиба берган. Қаҳрамонлар ҳолатига шиддат қўшилганда ритм тезлашади, сокин, мушоҳадага чорлайдиган кадрларда эса, маром бирмунча пасаяди. Фильм давомида бир-бирига ўхшамас олти хил мусикани эшитдик. “Миллий киномиз жаҳон даражасига чиқиши керак”, деймиз-у, аммо фильмни фақат режиссёр ва актёр яратмаслигини унутиб қўямиз. Ижодий гуруҳнинг тўқис бўлиши — мусика, либослар, декорация ва бошқа кўлаб компонентлар фильмни янада томошабоп бўлишига хизмат қилади. “Иссиқ нон”да шуларнинг бари мужассам.

### РУСЛАН ЧАГАЕВ ВА РУСЛАН НУРУДДИНОВ

Фильмда бу икки спортчига кўлаб ишоралар қилинган. Зулфия қишлоққа келганида оғирроққа айлантирилган онасининг хонасига жойлашади. Хонадаги тошойнага бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг сурати иланган эди. Бошқа бир кадрда телевизорда оғир атлетика бўйича Олимпиада чемпиони Руслан Нуруддиннинг мусобақадиги ишгирикдан давоха кўрсатилади. Кейинроқ қишлоқ дўконига туҳум сотиш учун кирган Зулфия Руслан ҳақида газетдада чоп этилган мақолани кўриб, уни уйига олиб кетади. Суратли мақолани тошойнага илтиб қўяди. Бу тасвирлардан қандай маъно бор? Тушунарлики, Зулфиянинг отаси спортчи. Исми эса — Руслан.

### ЧИЧКОК ТАЪРИФИ

Детектив фильмлари билан дунёга машҳур режиссёр Альфред Чичкок: “Томошабинни фильм якунига қадар ўзига жалб қилиб, залда ўтиришга мажбур қилувчи жумбоқ қалити кино аввалида берилса, фильм ўша ернинг ўзида якун топади”, — деб ёзганди. Чиндан ҳам томошабин фильм якунига қадар “Бувининг фарзандлари нега кўринмайди?”, “Улар нима сабабдан оқибатсиз?”, “Фильм нима учун “Иссиқ нон” деб номланди?”, “Охири қандай тугайди?”, деган саволларни ўз-ўзига бериши аниқ.

Албатта, фильм камчиликлардан холи эмас. Масалан, қишлоқ мактабига бормаган Зулфиянинг бир зумда синфдош йигитдан телефонини сўраши ғалати. Орада қандайдир кадрлар етишмаётгандек туюлади.

### ХАЁТНИ АНГЛАГАН “КАТТА ҚИЗ”

Фильм бошида кўзи яхши кўрмайдиган Зулфия бувисидан кўзойнак олиб беришни сўрайди. Буви эса: “Шарт эмас”, — деб набирусининг сазасини ўлдирди. Фильм якунидаги Зулфия ва онасининг суҳбатига эътибор берайлик.

— Зулфия, мени шарманда қилма? Истасанг, кўзойнак олиб бераман.

— Керакмас, кўзойнак. Кўзим яхши кўряпти.

Бу қисқа диалогта режиссёр катта маънони сингдирган. Қиз қишлоқда ҳақиқий хаётни кўради. Бир вақтлар у энг ёмон кўрган одамлар — буви си ва келинйосининг аслида энг меҳрибон инсонлар эканини англайди. Умрида кўрмаган отаси, қиморбоз тоғасининг кирдикорлари, онасининг бемехрлиги, бувисининг васият хатидаги илтижоиси Зулфияга болаликдан катта ҳаётта қадам қўйишига туртки берди. Энди у оқин қоралдан фарқлай олади. Шунинг учун ҳам ўйинкарок қиз фильм якунида нон қоратган келинйосинига ёрдам беришига уринади. Хамрини ғазаб билан муштлайди. Гуё қисмат муштлари учун аламини шу нонлардан олаётгандек.

“Иссиқ нон” фильми бутунги томошабинни энгил-елли кинолардан қайтартириш, ўйлашга мажбур қилиш мақсадида яратилган. Унда одамларга яхшилик қилиш, яқинларимизга суянч бўлиш, ота-онага ҳурмат, эътибор кўрсатиш, меҳр-оқибат, фарзандлик бурчи каби инсоний туйғулар тараннум этилади. Фикримизча, режиссёр ва унинг жамоаси кўзлаган ниятига етган.

## BUGUNNING GAPI

# “СЎНГГИ ОЛТИ ОЙДА ГАЗЕТА ЎҚИМАДИМ”



## ЮРТИМИЗДА ЎТТИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН БИР ЯРИМ МИНГ КИШИДАН ФАҚАТ БИТТАСИ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ МУТОЛАА ҚИЛЯПТИ

Орифжон ОДИЛОВ,  
журналист

**Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайтыда эълон қилинган Абдуғаффор Абдурахмоновнинг “Матбуот талаба-ёшлар учун сув ва ҳаводек зарур” номли мақоласини ўқидим. Мажбурий обунаю матбуотнинг эртаси ҳақида гапирмоқчи эмасман. Фақат бир оғриқли савол менга тинчлик бермаяпти. Ёшлар учун газета ва журналлар чиндан ҳам керакми?!**

Биздан олдинги авлод ўқувчилик йилларида турли нашрларга обуна бўлгани, яхши мақолаларни тенгдошлари билан ҳафталаб муҳокама қилганини эслайдим. Ушбу жараён янги аср бошида ҳам қузатилган.

2001 йили учинчи синфда ўқирдим. Синфдошимизнинг онаси ўғли учун “Болалар дунёси” газетасига обуна бўлган экан. Муаллимаимиз дарсада шу болани мактабда. Келажакда яхши инсон бўлиш учун газета ўқиш кераклигини айтди. Икки кун деганда синфимизда обуначилар сони йигирма нафарга етди. Бутун уларнинг аксарияти олий маълумотли...

Афсуски, ҳозир ана шу силсила узилди қолгандек. Тан олиш керак, матбуотдан тобора узоқлашиб бораётишимиз. Тўғри, китобхон ёшлар кўп ва кўпаймоқда. Аммо

қилмаган ўқувчи, талаба, борингки, уюшгану уюшмаган ёшлар эртага ким бўлиб етишади?!

Ижтимоий тармоқларнинг бирида ижодкор ёшлар гуруҳи бор. Унда юзга яқин қаламкаш жам бўлган. Яқинда ўша гуруҳда “Ким қайси нашрга обуна бўлди?” — деган савол ўртага ташланди. Кимдир худудий газеталар ўқишга арзимаслигини, бошқа биров марказий нашрлар туманга жуда кеч етиб келишини айтди. Аммо

Икки-учта талабанинг фикрига шунча ваҳимам, дейишга шояманг. Ахир, улар ижодкор, айримлари аллақачон қалами чарқлашиб, устозлар назарига тушиб қолган. Уларки шу зайл фикрласа, қолганлардан нимани кутиш керак? Миллатнинг эртанги зиёлиси, жамиятнинг энг илғор қатлами мутолаадан тўхтаста, бу — маънавий фожиа. Масаланинг яна бир томони бор. Ҳақиқатан ҳам ўқувчи ва талабалар учун мўлжалланган нашрлар савияси бутун етар-

## МАТБУОТДАН УЗОҚ, ДАВРИЙ НАШР ТАФТИНИ ҲИС ҚИЛМАГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА, БОРИНГКИ, УЮШГАНУ УЮШМАГАН ЁШЛАР ЭРТАГА КИМ БЎЛИБ ЕТИШАДИ?!

ли даражада эмас. Қачонлардир тахририятта келган шеър, ҳикоя ёки мақола учун мактуб йўллаш, маслаҳат бериш тажрибаси бўлган. Бу ўқувчининг иштиёқи, мутолаа ва ижодга меҳрини янада оширган. Сўнги ўн йилда ушбу анъана ҳам тўхтаб қолди. Болалар учун чоп этилаётган аксарият газета ва журналлар саҳифани шеър билан тўлдириб қўйди. “Инглиз тилини ўрганамиз!” деган дабдабали рукн остида уч-тўртта

## МИЛЛАТНИНГ ЭРТАНГИ ЗИЁЛИСИ, ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ҚАТЛАМИ МУТОЛААДАН ТЎХТАСА, БУ — МАЪНАВИЙ ФОЖИА

муштарий ёшлар жуда оз. Оддий мисол: Ўзбекистон ёшларининг асосий журнали — “Yoshlik” бугун 2 минг 520 нусхада чоп этилмайди. “Yoshlar ovozi” газетаси эса, 12 минг ададга ҳам етмайди. Ваҳоланки, мамлакат аҳолиси-


хеч ким: “Мен фалон нашрга обуна бўлдим”, — демади, деёлмади! Шундай бўлса-да, кераклик ахборотни интернетдан олишга, хатто журналларда ҳам ўқигулик нарса йўқлигини илдоо қилувчилар керагидан ортиқ топилди.

сўз таржимаси билан бутун саҳифа тўлдирилган. Юзга чиққан момом ёшларга газетадан ўқиб ёл олган “Қўғирчоғим...” қўшиғини бутун уч яшар кизим айтиб юрибди. Болалар учун аталган янги шеър, ҳикоялар етишмайди. Хар қандай иморат пойдевордан қад рўстлаганидек, халқни газетачо бўлиши болалар нашридан бошлангани керак эмасми?

Талабаларга мўлжалланган нашрларда ҳам аҳвол қоникарли эмас. Биргина мисол. Самарқанд вилоятида ўнга яқин олий ўқув юрти бор. Уларнинг хар бири ўз даврий нашрига эга. Сифат ва мазмун-мунодарижаси эса, деворий газета савиясидан ҳам паст. Асосан, талаба-ёшлардан иборат ижодий ходимларнинг ойлик маоши 300-400 минг сўм атрофида. Қўқон, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Термиз олийгоҳлари муассислигида чоп этилаётган газеталарда ҳам вазият шундай. Агар бир вилоят учун битта талабалар газетаси ташкил этилса, сифат ва самарадорлик кўтарилган бўларди. Қолаверса, адал ошиб, салохияти бор ходимлар бир нашр атрофида бирлашади. Уларнинг моддий ҳолати яхшиланади. Муассиснинг ягона эмаслиги сўз эркинлигини янада мустаҳкамлаши ҳам бор гап.

Шу каби муаммоларни бартараф этсак, эҳтимом, ёшлар яна матбуотта қайтар...

# “ИССИҚ НОН” СИРИ



шахарлик йигитга турмушга чиқади. Аммо кейин турмушдан ажрашиб, кизини интернетга топширадими, тирриклик ташвишига тушиб кетади. Муаллимининг ўғли эса, қиморда катта пулни ютказиб, ўз нафар фарзандини хотинига ташлаганча хорижга қочиб кетади. Бу образ гарчанд экранда кўринмаса-да, лекин ундан каттиқ нафратланасиз. Йўқ актёрни томошабин ёмон кўриб қолиши сценарий ва режиссёрлик иши нақадар кучли эканидан далолат беради.

### ОҒИР ХАРАКТЕРЛИ ЗУЛФИЯ

Зулфияни тушуниш қийин. Нимани хоҳласа шуни қиладиган қиз. Қишлоққа келиб, ўз оламини яратишга уринади. Қишлоқ болаларини ғилдиракли роллида учуриб, телефон олиш учун пул топади (буви си уйдаги телефонни сейфга қўқлаб қўйган). Синфдошларини етаклаб, дугонасининг туғилган кунига боради. Яна уларга: “Ота-онам Америкада яшайди. Отам катта спорт мураббийи. Нью-Йоркда туғилганман. Отам катта шаҳарда йўқолиб қолишдан қўқиб, мени шу ерга жўнатган”, — деб ёлгон гапирди. Онасининг меҳрига зор қиз одамларга яхшилик қилишнинг истади. Бироқ ота-онасининг меҳридан бабахра қолиб ўсгани учун руҳияти каттиқ жароҳатланган.

### НОЁБ ТОПИЛМА

Зулфия синфдошнинг телефони-

риб, қуригани ҳамда шаҳарга олиб бориб сотади. Сомонли лой қориб, том сувайди. Уй таъмирлайди. Кекса қайнонаси, уч фарзанди учун тиним билмайди. Ахён-ахён қўл бўйига бориб, “сувда чўқиб ўлган” эрининг соғинида ҳасрат чекади. Ботаётган шамсанингу нурларида кизариб кўринаётган уфққа қараганча йилгайди. Дардини сувга айтади. Руҳи энгиллашиб, яна меҳнат қилишга тушади. Аммо ҳеч қачон хаётдан нолимайди. Бежиз Зулфия автобусда шаҳарга кетаётганида келинйосинига қараб: “Сизни аввал ёмон кўрдим. Ҳозир эса, яхши кўраман. Сиз энг яхши ОНАСИЗ!”, — деб елкасига бош қўймайди. Режиссёр муаллима бувининг қиморбоз ўғли сабаб уч фарзандга ҳам ота, ҳам она бўлган келин образига сабр-бардошли, жигарғўшасининг бахтини ўз бахти деб биладиган ўзбек АЁЛИ киёфасини мана шундай нозик жиҳатларда кўрсатиб бера олган.

### ТАСВИРГА ОЛИШ МАҲОРАТИ

Агар ижодий ва техник гуруҳ уюшқок бўлса, бир-бирини тўлдирса, режиссёрнинг иши осонлашади. “Иссиқ нон” фильмида қаҳрамонлар, воқеалар ҳолатига мос, зохирий ва ботиний маънолар яширилган тасвирларни кўрасиз. Биринчи пландан иккинчи планга ўтиш, умумий пландан оқилона фойдаланиш ҳолатлари тахсинга сазовор. Шу ўринда кинооператор Жаҳонгир Иброҳимовнинг маҳоратини эътироф этиш жоиз. Ай-

1 SAVOLGA 1 JAVOB



— Men ta'lim olayotgan oliy o'quv yurtida 1-bosqich talabalariga akademik ta'til berilmaydi deyishdi. Shu rostmi? Oydinlik kiritib bersangiz.

Sardor MALIKOV  
Angren shahri

Savolga huquqshunos Aziza TOLIPOVA javob beradi:

— O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalarida talabalariga akademik ta'til berish to'g'risidagi nizomga asosan, talaba harbiy xizmatini o'tash, salomatligini tiklash, homiladorlik va tug'ish davrida yoki bolalarni parvarish qilish uchun akademik ta'til olishi mumkin.

Oxirgi uchta sabablardan birini ko'rsatib akademik ta'til berishni so'rab murojaat qilgan talaba arizasiga u doimiy tibbiy nazoratda turgan tibbiyot muassasasi komissiyasining xulosasini, akademik ta'til harbiy xizmatini o'tash uchun olinayotganda esa, tegishli tuman (shahar) mudofaa ishlari organining chaqiruv qog'ozini ilova qilishi lozim.

1-bosqich talabasi akademik ta'til faqat kasalligi tufayli berilishi mumkin. Bunday holatda ta'til vaqtida stipendiya tayinlanmaydi.



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

SIZ NIMA DEYSIZ?

Baxt uzoqda emas

Sitora ALIQULOVA,  
talaba

Ko'p til bilish naqadar yaxshi. Darsdan bo'sh vaqtimda ingliz til kursiga boraman. Bugun ham universitetdan chiqib, qo'shimcha mashg'ulotga o'tlandim. Tayyorlov kursiga yozilgan ko'pgina tengdoshlarim chet eldagi nufuzli oliy ta'lim muassasalarida o'qimoqchi ekanini bilgach, avvaliga suyundim. Ular xorijda tahsil olib, tajriba orttirib kelsa, jamiyatga nafi tegadi, albatta. Ammo guruhimizdagi Ibrohim ismli yigit bilan suhbatdan so'ng hafsalam pir bo'ldi. Chunki u AQSHda o'qib, o'sha yerda qolishni orzu qilayotganini aytdi. Hayron bo'lib so'radim:

— Nega?  
— Eh, shuni ham bimasizmi? Axir, Amerikani "erkinliklar o'lkasi", deyishadi-ku! Qolaversa, xorijda maosh ham yaxshigina.  
Bu gaplar yuragimga o'qday qadaldi. To'g'ri, odamlar har xil fikrlaydi. To'kin hayotni ham har kim o'zicha tasavvur qilishi mumkin. Kim uchundir tinch-osuda hayot kechirish — baxt, boshqa birov esa, hayotdek qasrda yashab o'zini baxtiyor his qiladi.  
Tunov kuni qishloqdoshimni ko'rib qoldim. "Green Card" dasturida g'olib bo'libdi. Endi oilasi bilan AQSHga ketmoqchi. Sababini so'rasam, yana o'sha gap — u yerda hayot boshqacha. Chet elda oshiqayotgan yurtdoshlarimizni hoyu-havasga berilib, "Susambil"ni izlab ketayotgan ertak qahramonlariga o'xshatdim.  
Bir tanishim Toshkentdagi Xalqaro Vestminster universitetida ikkinchi kursda o'qirdi. Tengdosh-

lariga qiziqdimi yoki boshqa sababdanmi, xullas, to'satdan o'qishni Amerikada davom ettirishga qaror qildi. Ketdi ham. Eshitishimcha, o'qishni tashlab, pitssa tashuvchi bo'lib ishga kiribdi. "Kuniga yuz dollar topaman", — deydi u faxrlanib. Fikrimcha, bunday hayot havasga arzigulik emas. Lekin shunga ko'nikib yashayotgan vatan-doshlarimiz bor-da.

O'yab ko'raylik, tinim bilmay mehnat qilgan, yetti iqlimdan ilm izlagan zakiy ajdodlarimiz tufayli biz ma'rifatli millatga aylandik. Ammo ota-bobalarimiz bilan faqat maqtanib o'tiraversak, hech narsaga erishmaymiz. Hozir ularga munosib bo'lish, mamlakat rivojiga hissa qo'shishning ayni mavridi.

"Yosh kuch" jurnalida Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universitetining 3-bosqich talabasi Aynura Seydullayevaning fikrlarini o'qib qoldim: "Menejment sohasiga qiziqaman va kelajakda bu yo'nalishda AQSHda tahsil olmoqchiman. Nega aynan Amerikada dersiz? Chunki Amerikada bu sohada eng yaxshi maktablar shakllangan. U yerda ta'lim olib, o'z kasbini chuqur egallab, O'zbekistonga qaytaman. Faoliyatimni ona yurtimda davom ettiraman", — deydi tengdoshim. Aynura kabi Vatanini ardoqlovchi, uning ravnaqi uchun bor kuch-g'ayratini safarbar etgan yoshlar safi kengaysa, O'zbekistoning kelajagi porloq bo'ladi, albatta. Inson baxtni mansab va mol-dunyoga emas, avvalo, maqsadga bog'lamoqchi dardor.

Jannatmakon diyorumizning yuksalishi yo'lida birlashsak, baxtni o'zga yurtdan emas, o'z Vatanimizda izlasak, yetuk mutaxassis bo'lsak, shuning o'zi yutug'imiz bo'ladi. Siz nima deysiz, tengdoshim?

Bebaho SOVG'A

Madina HOJIYEVA

Ayol ko'zga oldiga keldi-da, qamoqxonada o'tgan yigirma yil umrini eslab, yig'lab yubordi. Ayolga farang atiri, qimmatbaho ko'ylak, tufi va boshqa narsalar sovg'a qilishdi, quvonsin deb. Bunday hadyalar kimni ham shodlantirmaydi deysiz...

BILASIZMI?



Yo'l harakati qatnashchilari yo'l-patrol xizmati xodimlari bilan o'zaro munosabatini o'ziga tegishli audio, foto va video qurilmaga qayd qilish huquqiga ega.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

YOSHLIK ILHOMI

Umrzoq ABDOVOHIDOV

Qizaloq derazadan qor yog'ishini maroq bilan tomosha qilardi. Bu yangi yil hammasidan ham boshqacha kirib kelayotgandek edi, go'yo. Har daqiqa buvisi, bobosidan: "Yangi yil keldimi?", — deb so'rab, tinchlik bermasdi. Unga qo'shilib uyida hamma bayramni xursandchilik bilan kutib olishga intilardi.

Ushalmagan ORZU

Qizaloq bo'ynidan zarlarni sira yechgisi kelmadi. Bordi-yu yechsa, Yangi yil kelmaydigan-dek tuyulardi unga.

Qor erinibgina yog'ayotgan bir pallada oynadan qarab turgan qizaloq baqirib yubordi: — Qorbobo! Biznikiga Qorbobo keldi!!!

Ming yutib, opasi yodlatgan she'mi aytib berdi. Sovg'aning kattasi unga nasib qildi, albatta. Ammo u labini burdi:

— Yo'q, menga bu narsa kerak emas! Opam: "Qorbobo yangi yilda dadam bilan ayamni Rossiyadan olib keladi", — deb aytgandi-ku, axir.

Qizaloq sovg'ani qeuhoglaganicha yig'lab turardi. Qorbobo nima qilishini bilmasdi. Qizaloqning bobo va buvisi ko'zini yerga tikib qoldi. Shu chog' tashqarida yerni qor qoplayotgandi...



Kenglik olchami (Esse)

Poyezd beshik kabi bir maromda tebranadi. Vagonning ikki yonidagi derazasidan ko'z ilg'agan joygacha sahro ko'rinadi. Avvaliga sahroning chegarasi bor, degan ishonch ila olis-olislariga termulaman. Ishonchim so'nib borgani sari betoqat bo'laman. Shaharning baland, zich binolari va gavjum ko'chalariga o'rgangan ko'zim bu kenglikka ko'nikolmaydi.

Bora-bora taqdirga tan beraman. Zerikmaslik uchun sahroga sinchiklab razm solaman — undan yangilik izlayman go'yo. Lekin o'sha o'sha qum barhanlari-yu cho'l o'simliklaridan boshqasi ko'rinmaydi. Adog'i osmonga tutash sahroda faqat ulargina hayotdan nishona berayotgandek. Beixtiyor saksuvul-u yantoqlarning ildizlari suv izlab, yer qa'riga qanchalik chuqur singib ketgani haqida mulohaza qilaman. Bu o'y meni yana cho'lu biyobonga g'araq etadi. Asta-sekin qumga singib borayotganimni his etaman. Endi bu yerlarni sahro degim kelmaydi. Uning dunyo sir-sinoatini o'zida jam etgan KENGLIK ekanini anglayman.

Nukus temir yo'l vokzalida poyezddan tushishim bilan shimolning betizgin shamoli yuzimizdan chimchiladi. Bunday sovuqni kutmagan yo'ldoshlar bilan ko'kdan quyoshni axtiramiz. Shams bizdan uzr so'raganday ma'yus boqadi.

Mezbonlar bizni non, tuz bilan qarshi oldi. Qoraqalpoq yoshlari dutor chalib "Qaraqalpaq"ta" qo'shig'ini ijro etdi. Bu tarona barchaga zavq ulashdi. Boyagi sovuq shamol ham qayergadir g'oyib bo'ldi. O'zimcha sovuqqa ko'nikdik, deb fikr qildim. Shoirna Halima Ahmedova esa: "Bobo, — dedi ismimni qisqa, ammo o'ziga xos ohang bilan aytib, — bolaligimda sovuq yodimga tushdi. Qara, bu shamol qanday yoqimli!"

Oppa juda samimiy so'zlaridi. Ayni paytda quyoshni osmondan izlash bema'ligini, u qoraqalpoq elining ko'ksida ekanini his etdik va safarimiz davomida buni yanada teran angladik.

O'zbekiston yoshlar ittifoqi tomonidan yuborilgan targ'ibotchilar Nukusda guruhlariga ajralib, hududlarga yo'l oldi. Ilk manzilimiz Amudaryo tumani edi. Bir yarim-ikki soatlik yo'l davomida safimizga yangi qo'shilgan hamrohimiz — prezident stipendiati Zamira Ayimbetovaga ustma-ust savol beramiz. Undan asosan adabiyot, Qoraqalpoq'iston tarixi va mahalliy xalq urf-odatlariga haqida so'radik. Nukus davlat universitetida o'qiyotgan singlimiz hech



bir savolni javobsiz qoldirmadi. Ko'ngildan: "Prezident stipendiyasiga munosib topilgani bejiz emas", — degan o'y o'tdi. Suhbat davomida Z.Ayimbetova shoir Ibroym Yusupovning ijodi bo'yicha ilmiy ish qilayotganini aytdi. Undan shoir ijodidan namunalar o'qib berishni so'radik. Qoraqalpoq tilida she'r o'qildi:

Miymet dese jen turingendey patuanday,  
Arbag'a tas riyе dese tiyegen.  
Dostliq dese juldiz taup alg'anday,  
Xalqiminn aq ko'kiregin suyemen.

Ko'ngilga yaqin misralar qadimiy ohangni eslatdi. Ko'z o'ngimizda qoraqalpoq xalqining qahramonlari — Edige va Qaraqas gavdalandi. Ularni Alpomish va Barchinoyga qiyoslash mumkin.

Bejiz emaski, aksariyat qoraqalpoq yoshlari bu qahramonlarga o'xshashni istaydi. Chunki Vatanga sidqidildan xizmat qilish, elga naf keltirish qahramonlik ekanini ular yaxshi biladi.

Amudaryolik Shuhrat Sayidahmadov intiluvchan va mehnatkash tengdoshlarimizdan. Hamrohimiz unga: "Toshkentda imkoniyat ko'p", — deya savol nazari bilan qaradi. Shuhrat bir muddat tek qoldi. Keyin jilmayib javob qaytardi:

— To'g'ri aytasiz. Avval o'zim ham shunday o'ylandim. Bir safar ish yuzasidan Toshkentda uzoq vaqt qolishga to'g'ri keldi. "Abu-Saxiy" bozorini oralab borayotgandim, qaydandir qoraqalpoqcha qo'shiq eshitildi. Vujudim titrab ketdi. O'shanda sog'inch nimaligini ich-ichimdan tuydim. U onamga o'xshardi. Shu kuni barcha ishga qo'l siltab, uyga qaytdim.



Shuhratning qisqa, ammo juda ta'sirchan javobidan mutaassir bo'ldik. U esa, osmonga tutash kenglikka termulib o'tirardi. Nazarimda, uning ko'z o'ngida Edige botir gavdalandi. Oraga cho'kkan sukunatda ikki alp so'zlashayotgandek tuyuldi. Er yigitlar suhbatini yurt istiqboliga haqida bo'ladi, albatta. Ular doim el g'amini yeydi. Qoraqalpoq diyorida bunday alp o'g'lonlar oz emas. Nukus shahrida tajribali tadbirkorlarning o'quvchi-yoshlar bilan kechgan uchrashuvini kuzatib, bunga yana bir bor amin bo'ldim.

Kimdir tadbirkorlikni qanday boshlash, boshqa birov ko'proq foyda topish siri haqida so'radim. Javoblar ham ochiq va samimiy edi.

Uchrashuv bizda bir olam taassurot qoldirdi. Ayniqsa, o'g'il-qizlarning dilidagi gaplarni ochiq-oydin aytib olishi, muhimi, ular xalq foydasini ko'zlab fikr yuritganidan quvondim. O'z navbatida, ishbilarmonlar bir qarich jujuqlarning savollariga og'rinmay javob bergani ularning yuragi VATAN deya urayotganidan dalolat berardi.

Qanliko'l tumaniga safimiz chog'ida mezbonlar tushlikka taklif qildi. Bunday paytda qo'shqavatli, zamonaviy restoran yoki to'yxonani ko'z oldingizga keltirasan, kishi. Ammo buni butunlay boshqa manzaraga guvoh bo'ldik. Qishloq uylarini yodga soladigan pastqam, oq bo'yoq qilingan binolar orasidan o'tib, mo'l-ko'l hovlida to'xtadik. Ro'paramizda yozgi keng ayvon, undan sal narida esa, old qismi oynadevor bilan to'silgan xonalar qator joylashgandi. Mezbonlar bizni o'sha tomonga yetakladi. Xonaga kirayotib tur daraxti soyasidagi bir uyum qor diqqatimni tortdi. Bir hafta oldin yoqqan qor quyosh tegmas joyda saqlanib qolgan ekan.

Tadbirkor Sobir Esenbayevga qarashli kafe-ga kirishimiz bilan dimoqqa bahor nafasi uril-

di. Xonaning oynavand tomonida eni bir metr keladigan maydon intensiv issiqxonani eslatdi. U yerga turfa gullar ekilgan bo'lib, tomchilab sug'orilar ekan.

Dashtga xos o'simliklarina rivoj topadigan zaminda qishning sovuq kunlarida to'rt-besh xonada shunday fayzli muhit yaratish uchun insonga izlanuvchanlik va mehnatsevarlikning o'zi yetarli emas. Bu fazilatlarga hayotga muhabbat va ishonch degan tuyg'ular kamarbasta bo'lmog'i dardor.

Qanliko'l'da bizni yana bir qiziqarli maskan kutib turardi. Avvaliga 90-yillar muzeyi haqida eshitganimda ko'z oldimga ming yillik tarixga ega yodgorliklar kelgandi. Ammo muzeyning chog'roq dahlizidan ichkari xonaga kirib, yaqin o'tmishdan hikoya qiluvchi eksponatlarga duch keldim. Muzeyda so'm kupyuralardan tortib,



o'tgan asrda urf bo'lgan magnetofon telefon apparatlarigacha bor.

Muassasa tumanning sobiq hokimi Mels Qosnazarov tashabbusi bilan tashkil etilgan ekan. Undagi eksponatlarni esa, mahalliy aholi beg'araz taqdim etgan. Yana bir muhim jihat shuki, muzey binosiga pochta qutisi o'rnatilgan. Uning yoniga qo'yilgan konvert hamda tabrik qog'oziga milliy libosdagi ayollar va o'tov tasviri tushirilgan.

Eksponatlar birma-bir ko'zdan kechirar ekanman, oynato'siq ortida turgan cho'zma diqqatimni tortdi. Yonida g'ildirak, quyma qo'rg'oshin bog'langan po'stak parchasi — lanka, besh tosh va hatto paypoqdan yasalgan kop-toq ham bor edi. Bu narsalarga uzoq termulib qoldim. Oynato'siq ortidan o'yinchoqlar emas, bolaligim qarab turardi, go'yo. Odatda odamlar muzeyda tarix bilan yuzlashadi. Bu yerda esa, o'zimizga ro'baro' keldik. Kenglik ana shunday karomat ko'rsatardi.

Beixtiyor o'zga cho'mdim. Shaharda hamma narsaning o'z o'lchami bor. Masalan, uzoqdan besh qavatli bo'lib ko'ringan bino yoniga borsangiz ham u o'shancha balandlikda bo'lib qolaveradi. Yoki avtobusni olaylik. Bitta bekat yo'l yurgan ham, oxirigacha borgan ham bir xil haq to'laydi. Xuddi shuningdek, shahar odamga tuyg'ularni o'lchashni o'rgatadi. Kimgadir yaxshilik qildingizmi, bunga o'sha inson, albatta, munosib javob qaytarishi kerak, deb hisoblaysiz va hokazo... Kenglik esa, bunday o'lchamlarni tan olmaydi. Uning o'z hisobi bor. Deylik, kimdir har kuni bir manzil sari o'tlanadi. O'sha manzilga qancha vaqtda yetib borishini aniq bilmaydi. Zero, dasht yo'lida shahar avtobusidek hisob-kitob yo'q!

Shu bois qishda chog'roq xonadan ichkarilab BAHORga yoki BOLALIKka ro'para kelishingiz hech gap emas. Bu — KENGLIKning o'ziga xos o'lchami!

Shunday o'ylar ila muzeyni aylanar ekanman, ko'z oldimga Chilpiq qal'asi keldi. Yoshi 2 ming 200 yildan oshiq ushbu qal'a Nukusdan Toshkent shahriga olib boradigan yo'l chetida barpo etilgan. Qal'a devorlarining balandligi 35-40 metr bo'lib, II-IV asrlarda zardo'shtlar dahmasi sifatida xizmat qilgan. IX-XI asrlarda esa, mahalliy aholi uchun xabar minorasi vazifasini bajargan. Rivojotlarga qaraband, dushman hujum qilgan chog'da mahalliy aholi Chilpiq qal'asidan panoh topadi.

Tasavvur qiling. Tashqarida tulporlar dupuri ila son-sanoqsiz lashkar bostirib kelyapti. Siz qal'a ichida o'z qavmingiz bilan miq etmay o'tiribsiz. Agar bir og'iz so'z aytasangiz, g'animsizni payqab qoladi. Ayni paytda qal'a ichidagi og'ir sukunatni maxsus o'zan orqali keltirilgan suvning "chilp-chilp" etgan ovozi buzadi.

Suv hayot degani. Qal'aga suv kelyaptimi, yog'iy ortga qaytmaguncha bemaol bu yerda jon saqlash mumkin. Shu bois uning ovozi hayot simfonyasiga o'xshaydi. Qal'a nomi ham ana shu ohangdan kelib chiqib qo'yilgan — Chilpiq!

Safar so'ngida shunday xulosaga keldim: bu elning Chilpiqday ma'naviy qo'rg'oni bor ekan, kelajagi, albatta, porloq bo'ladi. Shu qo'rg'onni yurt tashvishini yelkasiga olishga shay, har kuni yaratuvchanlik kayfiyatida yashayotgan qoraqalpoq yoshlariga qiyosladim. Ular, shubhasiz, zamonamizning Edige va Qaraqaslaridir!

Boboravshan G'OZIDDINOV  
Toshkent — Nukus — Toshkent

<p><b>MUASSIS</b> O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p><b>TAHRIR HAY'ATI</b> Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeov, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")</p>	<p><b>Dizayner</b> Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich</p>	<p><b>"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.</b> Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p>
		<p><b>Navbatchi</b> Boboravshan G'oziddinov</p>	<p>Gazetaning o'zlashtirilgan QR-kodini telefoningizga orqali skaner qiling</p>	<p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p>
			<p>Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p>	<p>Buyurtma G-1236 Adadi — 11057</p>
			<p>Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.</p>	<p>Boshqilg'acha topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 00.35 O'zA yakuni — 00.00</p>